

СОГЛОМ ОИЛАНИ ШАКЛАНТИРИШДА ЎРТА ТИББИЙ ХОДИМЛАР ЎРНИ

Абдуллайева Дилшода
Марғилон Абу Али ибн Сино номидаги
Жамоат саломатлиги тиббиёт техникуми
Ўқитувчиси

Мавзунинг долзарблиги: Ҳозирги замонда инсониятнинг энг муҳим муаммолари орасида, аксарият давлатлар ва минтақаларда аҳоли ҳаддан ташқари кўпайишига сабаб бўлаётган аҳолининг назоратсиз ўсиши қайд этилади. Айрим мутахассисларнинг баҳолашларига кўра, сайёрада мавжуд энергетика, хом ашё, озиқ-овқат ва бошقا ресурслар Ерда фақат бир миллиардга яқин киши муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаши мумкин экан. Демографик муаммолар жуда мураккаб ва ўта турғун бўлиб, уларни тез бартараф этиш мумкин эмас. Шу сабабли ривожланаётган мамлакатларда барча ҳукumatлар туғилиш даражасини пасайтиришга қаратилган демографик сиёсатни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан акушер-гинекологлар билан бирга ўрта тиббий ходимларнинг абортларни ва исталмаган хомилаликни олдини олишдаги патронаж хизматлари муҳим ахамият касб этмоқда.

Тадқиқот мақсади: БТСЁ бўғинида соглом оила дастурини тадбиқ этишда ўрта тиббий ходимлар фаолиятини ўрганиш ва патронаж хизматини такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги: Оилани режалаштиришни тадбиқ этишда ўрта тиббий ходимларнинг касбий фаолиятини асослаб берувчи вазифаларни хал этишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари: БТСЁ бўғинида соглом оила дастурини тадбиқ этишда ўрта тиббий ходимлар роли ўрганиб чиқилди. Хорижий мамлакатларда соглом оилани шакллантиришда олиб борилаётган тадбирлар ўрганилди ва бизнинг мамалакатимиз БТСЁ тизимида ўрта тиббий ходимлар фаолияти билан таққосланди. Натижаларга асосланиб, ўрта тиббий ходимларни патронаж хизматини такомиллаштириш мақсадида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот обьекти ва усувлари: Тадқиқот манбаи ҳисобида Ўзбекистон Республикасининг Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қарор ва фармонлари хамда дастурларидан фойдаланилди. Фертил ёшидаги аёллар орасида контрацептив моддалар бўйича билим даражаси юзасидан сўров-интервью асосида маълумотлар олинди. Фарғона шаҳрининг БТСЁ муассасаларидаги акушер-гинекологлар, ўрта тиббий ходимлар ўртасида оилани режалаштириш ва репродуктив саломатлик масаласи борасида анкета-сўров ўтказилди. Тадқиқотнинг асосий усули қилиб анкета танланиб, БТСЁ хизмати ўрта тиббиёт ходимлари ўртасида ўтказилган. Ушбу саволнома 18 та саволни ўз ичига олган. Шу қаторда, акушеркалар томонидан ўтказилган патронажлар самарадорлигини аниқлаш учун врач акушер-гинекологлар ўртасида ҳам сўровнома ўтказилди. Контрацепция соҳасида билим даражасини аниқлаш учун тиббий муассасаларга қатнаётган аёлларда ҳам сўров ўтказилди ва илгари қайси

контрацепция турига ва ҳозирги кунда қайси турига ишонч билдиришлари аниқланди. Олинган маълумотлар статистик ишловдан ўтказилди.

Тиббиёт муассаларига катнаётган аёллар орасида контрацепция соҳасидаги билим даражасини аниклаш натижалари: БТСЁ муассасаларига қатнаётган туғиши ёшидаги аёллар ўртасида ўтказилган сўров жараёнида 152 та аёл иштирок этди. Уларнинг контрацепция усуслари тўғрисидаги билим даражалари анча юқори эканлиги аниқланди. 15-49 ёшдаги жами аёлларнинг 91% битта бўлса ҳам усуслардан хабардор бўлишган. Ҳозирги фурсатда турмуш курган аёлларнинг 99% хеч бўлмагандан бир усул ҳакида билимга эгалигини маълум қилишди.

Хулоса: Ўтказилган тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, оилада болалар туғилишини режалаштириш дастурида ЖФВ тўғрисидаги тарғибот, маслаҳат ёрдамларининг етарлиэмаслиги аниқланди. Патронаж даволашда ЖФВ ҳакида олинган маълумотлар тўлиқ бўлмаган. Гинеколог врачлар фикрига кўра, акушеркаларнинг касбий тайёргарлиги қониқарли эмас. Акушеркалар ишининг самарадорсизлигининг асосий сабаблари деб, маънавий ва моддий қизиқиш, туртки ва билим етишмаслиги айтилди. Ўтказилган тадқиқот ва олинган маълумотларни таҳлилидан сўнг ўрта тиббиёт ходимлари патронаж хизматини такомиллаштириш бўйича амалий тавсияномалар.

Амалий тавсиялар: Урта тиббиёт ходимлар иш сифатини назорат тизимини такомиллаштириш учун БТСЁ шароитида соглом оилани шакллантириш борасида тиббиёт муассаса раҳбарлари акушер-гинекологлар билан биргалиқда улар фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чикиш; Фертил ёшидаги аёллар патронажини юритишдаги вактни тугри таксимлаш учун урта тиббиёт ходимлар иш хажмини хисобга олган холда иш графигини кайта куриб чикиш; БТСЁ шароитида соглом оилани ривожлантиришда (абортлар, режалаштирилмаган хомиладорликни камайтириш, тугруклар уртасидаги интервалга риоя килиш) ходимлар иш фаолиятида эришадиган натижалари ижобий булиши учун муассаса раҳбарлари самарали тизимни яратиш; БТСЁ шароитида соглом оилани ривожлантириш дастурини самарадорлигини ошириш буйича урта тиббиёт ходимлар учун тизимли таълим тренингларни ташкил килиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Доктрина продовольственной безопасности Российской Федерации. Утв. Указом Президента РФ №120 от 30.01.2010 г.
2. Ежегодный отчет Центра социальных исследований в Министерство образования и науки РФ // Эконом, вестник фармации. 2008. №4. С11-15.
3. О дополнительных мерах по профилактике заболеваний, обусловленных дефицитом микронутриентов. Постановление Главного государственного санитарного врача РФ от 5.03.2004 г. №9 // Казанский медицинский журнал. 2005. №4. Т. 86. С.342.